

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ ХИСЛАТ ҚУДРАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА *ELAEAGNACEAE* JUSS. ОИЛАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Ҳайдаров Хислат Қудратович

Ўзбекистон флорасида *Elaeagnaceae* Juss. оиласи 3

Хайдаров Хислат Қудратович

Семейства *Elaeagnaceae* Juss. во флоре Узбекистана 29

Khaydarov Khislat Qudratovich

Elaeagnaceae Juss. families in the flora of Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ ХИСЛАТ ҚУДРАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА *ELAEAGNACEAE* JUSS. ОИЛАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/B69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.floruz.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хожиматов Олимжон Қаххорович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хасанов Фурқат Орунбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Хамдамов Искандар Хамдамович
биология фанлари доктори, профессор

Мавланов Хударган
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «15» май куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «24» апрел куни тарқатилди.
(2018 йил «24» апрелдаги 4- рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
б.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши уларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг ҳам ошишига олиб келмоқда. Бу ўринда табиий ўсимлик ресурсларидан, жумладан, *Elaeagnaceae* оиласи вакилларида аҳолини озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда стратегик восита сифатида фойдаланиш муҳим саналади. Шунга кўра, кишлоқ хўжалиги экинларига муқобил сифатида ушбу оила вакиллари ресурсларидан самарали фойдаланиш, улар орасидан озиқабоп турларни ажратиш олиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда озиқ-овқатбоп табиий ўсимлик турларини инвентаризациялаш, уларнинг захирасини аниқлаш ва иқтисодиёт тармоқларида самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш лозимки, Ер юзидан тўқай ўсимлик жамоалари кам тарқалган бўлсада, уларни ташкил қилувчилари орасида иқтисодий аҳамиятли гуруҳларининг, жумладан, озиқ-овқатбоп истиқболли турларининг кўплиги бундай ўсимликларни комплекс баҳолаш тадқиқотларини йўлга қўйишни белгилаб бермоқда. Улар орасида жийдадошлар – *Elaeagnaceae* оиласи вакиллари Марказий Осиё тўқай ўсимлик жамоалари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу оила вакиллари вегетатив ва генератив органларининг адаптив хусусиятлари ва ҳаётий формаларининг примитив ва прогрессив эволюцион йўналишлари билан ажралиб туради. Бундан ташқари, филогениясининг ўзига хослиги, таксономик белгиларининг орография кўрсаткичлари ва муҳитга қараб ўзгарувчанлиги, оила вакиллари экологик амплитудасининг кенглиги ва ўта полиморфлиги бу оила вакиллари аниқлаш ва истиқболли озиқ-овқатбоп формаларини ажратишни талаб этади. Шунга кўра, *Elaeagnaceae* оиласига мансуб турларнинг морфобиологиясини аниқлаш, захираларини баҳолаш, истиқболли формаларини амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикада табиий ўсимлик ресурсларини баҳолаш, уларни аҳамиятли гуруҳларини танлаш ва ўрмон хўжаликлари ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор қаратилди. Бу борада олиб борилган чора-тадбирлар асосида, жумладан, *Elaeagnaceae* оиласи вакилларида жийда – *Elaeagnus* L. ва чаканда – *Hippophae* L. туркуми турлари озиқавий қийматини аниқлаш ва улар асосида табиий дори воситалари тайёрлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»¹ қарорида «... минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўрмон фондида озиқабоп ўсимликларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041 «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори.

районлаштириш, озикабоп ўсимликларни тарқалиш ҳудудларини ва мавжуд ресурсларини ўрганиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, жийда ва чакандаларнинг мослашувчанлигини асослаш, морфобиологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш, меваларининг биологик ва эксплуатация захираларини хариталаш, кўчатларини етиштириш йўллариини такомиллаштириш ва уларнинг самарадор саноат плантацияларини ташкил этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041 «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 530-сон «Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². *Elaeagnaceae* оиласи туркум турларининг морфобиологияси ва таксонимиясига оид йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Georgia (АҚШ), Kyushu University (Япония), Institute of Botany (Хитой), University of Azad Kashmir&Kashmir (Покистон), Seoul National University (Корея), Цитология ва генетика институти (Россия), Ботаника институти (Россия), Тошкент давлат аграр университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Elaeagnaceae оиласи туркум турларининг систематикаси, морфологияси, экологияси ва хўжалик аҳамиятига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: *Elaeagnaceae* оиласи туркум турларини молекуляр-генетик каталоги яратилган (University of Georgia, АҚШ); жийдадошлар вакиллари ценопопуляцияларининг структураси ва адаптив хусусиятлари очиқ берилган (University of Azad Kashmir&Kashmir, Покистон); жийдадошлар оиласининг таксономияси, келиб чиқиши ва фитонцидлик хусусиятлари аниқланган (Ботаника

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи www.works.doklad.ru, www.km.ru, www.dissercat.com, researechget.com, www.fundamental-research.ru, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

институти, Россия); жийдадошларнинг морфологияси ва интродукцияси асосланган ва кўпайтириш йўллари ишлаб чиқарилган (Kyushu University, Япония); чаканда туркуми турларининг морфобиологияси ва геномик таҳлиллари асосида уларнинг филогенияси исботланган (Department of Botany, Ҳиндистон).

Дунёда *Elaeagnaceae* оиласи туркум турларининг морфобиологияси, ресурслари, фойдаланилиши бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: *Elaeagnaceae* оиласи туркум турларини молекуляр-генетик таҳлил этиш ва турларнинг ген банкини тузиш, юксак ўсимликлар эволюцияси тизимидаги тутган ўрнини илмий асослаш, табиий шароитга мужассамлашган биоморфологик ва экоморфологик истиқболли селекцион навларни яратиш, биологик фаол моддаларни аниқлаш улардан унумли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёда тарқалган *Elaeagnaceae* оиласига мансуб туркум турларининг таксономияси ва морфологиясига оид маълумотлар К. Серветтаца (1909), М.Г. Попов (1929), И.А. Азимов (1957), Н.В. Козловская (1958), Тахтаджян (1966), Р.В. Камелин (1986), Н.Н. Цвелёв (2002) ишларида акс эттирилган. *Elaeagnus* туркуми турларининг морфологияси, биологияси ва дориворлигига оид маълумотлар, В.И. Авдеев (1983), И.Л. Созонова (1985), Т.И. Киселева (2011), Е.А. Абизов (2012) ва ДНК маркерларини аниқлашга оид маълумотлар К. Sun (2006), М. Sun (2010), L.S. Asadiar (2012), F. Al-Ain (2017) ишларида қайд этилган. *Hippophae* туркуми турларига оид маълумотлар Ж.И. Гатин (1955), А. Rousi (1971), Т.Т. Трофимов (1978), И.П. Елисеев (1984), И.А. Аркасов (2009), Л.С. Сагалакова (2012), Т.Н. Кузнецова (2013), Ph.D. Thesis (2013), А.Ж. Жашуев (2015), Ф.Д. Кабулова (2010; 2014; 2016), А.А. Малиновских (2017), А.Я. Земцова (2017), Э.Т. Бердиев (2018) ишларида қайд этилган.

Юқоридаги тадқиқот ишлари Ўзбекистон флорасидаги *Elaeagnaceae* оиласи туркумлари, жумладан, *Elaeagnus* ва *Hippophae* туркуми таксонлари таҳлили, турларининг морфобиологияси ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, *Elaeagnaceae* оиласининг келиб чиқиш марказини асослаш, *Elaeagnus* ва *Hippophae* туркум турларининг ўсимликлар қопламида тутган ўрнини, цитологиясини, онтогенезини, ҳаётий формаларини, ценопопуляцияларини, меваларининг захирасини аниқлаш, хўжалик аҳамиятига эга бўлган истиқболли формаларини кўпайтириш ва ишлаб чиқишга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-5-10 «Ўзбекистон тўқайзорлари ўсимликларининг хилма-хиллиги ва келиб чиқишини ўрганиш» (2012-2016) ва Ботаника институтининг ДИТД-13 «Ўзбекистоннинг замонавий ва қазилма ўсимликларини ўрганиш ва уларнинг табиий тизимини ишлаб чиқиш» (2002-2006) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жийдадошлар (*Elaeagnaceae* Juss.) оиласи

туркуми турларини таксономик асослаш, истиқболли формаларини ажратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гербарий материаллари, илмий манбалар ҳамда табиатда олиб борилган изланишларга асосланган ҳолда Ўзбекистонда ва унга яқин ҳудудларда тарқалган *Elaeagnus* туркуми турларига танқидий ёндошиб, ботаника номенклатураси талаблари асосида уларни қайта кўриб чиқиш;

Elaeagnus L. ва *Hippophae* L. туркуми турларининг солиштирма морфологияси, барг анатомияси, биологияси, онтогенези, ареали ва экологиясини ўрганиш;

Elaeagnus ва *Hippophae* туркуми турларининг Ўзбекистон ўсимликлар қопламида тутган ўрни, ҳаётий шакли, табиий ҳолда кўпайиши, ценопопуляцияларини аниқлаш;

Elaeagnus ва *Hippophae* туркуми турларининг келиб чиқиш марказини ва мослашувчанлик эволюциясини таҳлил қилиш;

жийда ва чаканда меваларининг биологик ва эксплуатация захираларини аниқлаш ҳамда уларни хариталаш;

истиқболли жийда формаларини ажратиш, уларни ишлаб чиқаришга тавсия этиш ва оқилона фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон ҳудудида тарқалган *Elaeagnaceae* Juss. оиласига мансуб *Elaeagnus* L. ва *Hippophae* L. туркумларининг турлари – *E. angustifolia* L. (ингичка баргли жийда), *E. songarica* (жунғор жийда) ва *H. rhamnoides* L. (жумрутнамо чаканда) ҳисобланади.

Тадқиқот предмети жийда ва чаканданинг систематикаси, экологияси, морфобиологияси, анатомияси, фитоценологияси ва ресурси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда қиёсий морфоанатомия, морфогенетика, экологик-география, ресурсшунослик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Elaeagnaceae* Juss. оиласи таксонлари қиёсий таҳлили асосида *Elaeagnus* L. туркумининг иккита тури (*E. angustifolia* L., *E. songarica* (Bernh. ex Schldt.) Fisch. ex Trautv.) аниқланган;

Hippophae L. туркумининг битта тури (*H. rhamnoides* L.) аниқланган ва *H. turkestanica* (Rousi) Tzvel. тури синонимлаштирилган;

илк бор *E. angustifolia* онтогенез даври босқичлари ва жийда ниҳоллари учун зарур бўлган фойдали ҳароратлар йиғиндиси аниқланган;

жийда ва чакандада морфологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги аниқланган ва уларнинг полиморфлиги исботланган;

илк бор *E. angustifolia* ва *H. rhamnoides* турларида уч хил трихомаларнинг мавжудлигини ва новдаларининг икки хил симподиал – акросимподиал ва мезосимподиал шохланиши аниқланган;

Elaeagneta формациясига оид 12 та, *Hippophaeta* формациясига оид 7 та янги ассоциациялар аниқланган ва уларнинг 6 та ценопопуляцияси структуралари очиб берилган;

жийда ва чакандаданинг ҳаётий формалари ва мосланувчанлик

эволюцияси асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

жийданинг 2500 га, чаканданинг 1200 га майдондаги ишлаб чиқариш учун истиқболли ҳудудлари аниқланган ва мазкур ҳудудлардан озиқ-овқат саноатида фойдаланиладиган 1547,5 т жийда, 212,8 т чаканда мевалари хом-ашё захиралари баҳоланган;

жийда ва чаканда данакларининг оптимал униш ҳарорати (20-30⁰С), стратификацияси (100-130 кун 0-5⁰С), турли тупроқ типлари (қора қумли тупроқда 7,5-8,5 см чуқурликда) экилиши, фитогормонлар билан ишлов бериши (гетероауксиннинг 0,01% эритмасида 24 соат мобайнида) асосида ўсимликларни кўпайтириш ва етиштиришнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистондаги жийда ва чаканданинг биологик ва эксплуатация захиралари харитаси тузилган;

жийда меваларининг сифатли белгилари ҳисобга олиниб, 16 та (Б-1, Б-2, Б-3, Б-4, С-1, С-3, С-4, С-5, С-6, Па-2, Ж-1, Ж-2, Х-1, Х-2, Карак-1, Сурх-1) истиқболли формалари ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, диссертация ишининг амалий натижалари ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комплекс таҳлиллар асосида Ўзбекистон ҳудудида *Elaeagnaceae* оиласининг экологик амплитудаси кенг ва ўта полиморфли *E. angustifolia* ва *H. rhamnoides* турларининг мавжудлигини асосланганлиги, улар таксономик белгиларининг орография ва муҳитга қараб ўзгарувчанлигини очиқ берганлиги, жийдадошлар оиласи келиб чиқишининг асосланганлиги ва уларнинг филогенетик шажара ҳамда палеоботаник хариталарининг тузилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни мевали озиқ-овқат экинлари захираларини баҳолаш, уларни кўпайтириш ва етиштириш усуллари тақомиллаштириш, истиқболли формаларини ажратиш ҳамда селекциясини ташкил этишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон флорасида *Elaeagnaceae* оиласи мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

жийда формалари захираларини тиклаш ва кенгайтириш мақсадида уларни кўпайтириш ҳамда етиштиришнинг оптимал усуллари Самарқанд, Навоий ва Хоразм вилоятлари тасарруфидаги ўрмончилик хўжаликлари амалиётга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 2

февралдаги 05/06-306-сон маълумотномаси). Натижада жийда ва чаканданинг мавжуд етиштириш усуллари самарадорлигини ошириш ва шулар асосида 100 га майдонда кўчатзорлар ташкил этиш имконини берган;

жийда ва чаканданинг ишлаб чиқариш учун истиқболли ҳудудлари бўйича тузилган хариталар Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ўрмончилик хўжаликлари амалиётида уларнинг йиллик захираларини аниқлаш тадбирларига жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 2 февралдаги 05/06-306-сон маълумотномаси). Натижада жийда ва чаканда ресурсларининг потенциал ва реал захираларини аниқлаш ва хом ашё тайёрлашни баҳолаш имконини берган;

тўқайзорлардаги жийда ва чакандаларни муҳофазага муҳтож ценопопуляциялари жойлашган майдонларини сақлаб қолиш чоратадбирлари Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари амалий фаолиятларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 2 мартдаги 03-01/12-1534-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ҳудуд тўқайзорларида 880 га майдондаги жийда ва чакандалар ценопопуляцияларини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш имконини берган;

республика ҳудудида тарқалган жийданинг 16 хил формалари «Bioversity International» халқаро ташкилотнинг «Марказий Осиёда агробиохилма-хилликни сақлаш ва фойдаланиш *In situ/on-farm*» лойиҳасида Ўзбекистоннинг ёввойи ва маданий мевали ўсимликлари ген банкини яратишда фойдаланилган («Bioversity International» халқаро ташкилотнинг 2018 йил 7 мартдаги 07/07-1158-сон маълумотномаси). Натижада Марказий Осиё минтақасига хос мевали ўсимликлар ген банки коллекциясини бойитган ва янги истиқболли мевали дарахт формаларини ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши: Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 таси монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти,

предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жийдадошлар (*Elaeagnaceae* Juss.) оиласининг умумий таксономияси, тарқалиши ва фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи боби мамлакатимизда ва чет эл олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига ва таҳлилига қаратилган.

Жийдадошлар – *Elaeagnaceae* оиласи ва туркум турлари бўйича (17-18 аср бошлари) илк таксономик таҳлиллар олиб борган А.Л. Жюссе, А. Ришар, К. Линней, П.С. Паллас ва бу оила бўйича тадқиқот ишларини давом этирган (18-19 аср бошлари) Ф.М. Биберштейн, К. Кох, К.Ф. Ледебур, Д.Ф. Шлехтендаль, Д.И. Литвинов, (20 аср бошлари) А. Роуси, М.Г. Серветтац, О.А. Федченко, М.Г. Попов, Д.Т. Забрамный, Н.В. Козловская, Р.В. Камелин, Л.И. Созонова, И.П. Елисеев (21 аср бошлари) Н.Н. Цвелёв, К. Sun, М. Sun, L. S. Asadiar, М. J. M. Christenhusz ва бошқа олимларнинг фикри тўғрисида маълумотлар берилган.

Мазкур иш Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудларда тарқалган *Elaeagnaceae* оиласига мансуб жийда (*Elaeagnus*) ва чаканда (*Hippophae*) туркумлари турларининг систематика, географияси, генофондини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш йўлларини ўрганиб, таҳлил қилишга қаратилган. Бундан ташқари тадқиқот усуллари ҳам батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон флорасида *Elaeagnaceae* Juss. оиласининг конспекти, ареали ва типификацияси**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон ҳудудида тарқалган *Elaeagnaceae* оиласига мансуб *Elaeagnus* туркуми турларининг (*Elaeagnus orientalis*, *E. angustifolia*, *E. oxycarpa*, *E. turcomanica*, *E. songarica*, *E. spinosa*, *E. iliensis*) ва *Hippophae* туркуми турларининг комплекс таксономик таҳлиллари ёритилган.

Биринчи ва иккинчи бўлимда *Elaeagnus* ва *Hippophae* туркумларининг таксономик бирликлари таҳлилига ва ареалига қаратилган. Жийда ва чакандалар Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудлардаги Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчиқ, Норин дарёлари бўйларида тарқалган. То ҳозирги кунгача *Elaeagnaceae* оиласи систематикасида бир қанча муаммоли бахс ва мунозаралар мавжуд. Жийдадошлар оиласида фақат аниқ туркумлар *Elaeagnus* ва *Hippophae* маълум. Лекин, турлар сони ҳақида маълумотлар жумбоқлигича қолиб келмоқда. Бу биринчи ўринда Ўзбекистон ҳудудида тарқалган жийдаларга тааллуқли.

Elaeagnus туркумига мансуб турларнинг морфологик белгилари тур ареали доирасида ўрганилиб, жийда турларида ушбу таксономик белгилар турғун эмас, улар орография ва муҳитга қараб ўзгаради деган, хулосага келинди. Тадқиқотлар ушбу ҳудудларда жийданинг ўта полиморфли иккита тури тарқалганлигини кўрсатди. Ботаника номенклатураси қоидаларига биноан К. Линнейнинг *E. angustifolia* L. ва Д.Ф. Шлехтендалнинг *E. songarica*

(Bernh. ex Schltdl.) Fisch. ex Trautv., турлари асос қилиб олинди.

E. angustifolia морфологик белгилари ва баргнинг анатомик тузилиши бўйича тур ареали доирасида орография ва муҳитга қараб ўзгарувчан деган фикрга келинди. Лекин, *E. angustifolia* хромосомаларининг сони ва биологик хусусиятлари жиҳатидан *E. songarica* билан бир хиллиги аниқланди.

Hippophae туркуми ҳам тўлиқ таҳлил қилинди. Кўпчилик олимлар Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудларда ўсадиган *H. rhamnoides* га турлича муносабат билдиришган. Н.Н. Цвелёв (2002), Ўрта Осиё ҳудуди учун *H. rhamnoides* тур хилини (*H. rhamnoides* subsp. *turkestanica* Rousi) *H. turkestanica* (Rousi) Tzvel. тури деб эълон этилган ва барглариининг ниҳоятда ингичка бўлиши, мева банди узун, уруғлари тухумсимон ва ўсимлик танаси сертикан бўлишини қайд этган. Чаканданинг табиатдаги турлари ва гербарий материаллар қиёсий таҳлил этилди, Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудларда *Hippophae* туркумининг битта полиморфли тури (*H. rhamnoides*) ўсиши аниқланди.

Чакандаларнинг экогеографик хусусиятларидан келиб чиқан ҳолда айтиш мумкинки, ўрганилган ҳудудларда жийдаларга нисбатан фарқ қилиб, фақат икки минтақада (адир ва тоғда) кенг тарқалган. Айрим ҳолларда улар денгиз сатхидан 200-300 м баландликгача учраши ҳам мумкин.

2000-2018 йилга келиб дунёда ўсимликлар ресурсларини аниқлашда ДНК маркерлари орқали таҳлил қилиш услуби кенг жорий этилди. Бу ўсимликлар систематикасида полиморфли турларни аниқлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Чет эл олимларининг жийдадошлар оиласи туркуми турларидаги жумбоқ масалаларини ойдинлаштиришга қаратилган генетик-молекуляр тадқиқотлари *E. orientalis*, *E. oxycarpa*, *E. igda*, *E. spinosa*, *E. iliensis*, *E. littoralis*, *H. turkestanica*. ларни тур даражасида тасдиқламади. Ушбу маълумотлар бизнинг фикримиз билан бир хиллигини тўлиқ тасдиқлади.

Бу маълумотларга асосан Ўзбекистон ҳудудида *Elaeagnus* туркумига мансуб *E. angustifolia*, и *E. songarica* ва *Hippophae* туркумига мансуб *H. rhamnoides* ssp. *turkestanica* (Catalog of Life, GSD, AGM-Plants, IPNI -2018) асос сифатида қабул қилинди.

Учинчи бўлими *Elaeagnaceae* оиласи таксонларининг типификацияси ва аниқлагич калитига бағишланган.

Оила конспекти *Elaeagnaceae* Juss. — Жийдадошлар

Gen. Pl.: 74 (1789) ; nom. cons.

Тип: *Elaeagnus* L., Sp. Pl. 1: 121 (1753).

1. Туркум: *Elaeagnus* L. — Жийда

Sp. Pl. 1: 121 (1753).

Тип: *Elaeagnus angustifolia* L.

1. *Elaeagnus angustifolia* L.— Ингичка баргли жийда

Sp. Pl. 1: 121 (1753); Фл. СССР Горшкова, 15: 522 (1949); Фл. Ўзбекистана, Сумневич 4: 229 (1959); Опр. раст. Ср. Аз, Виноградова. 7: 144 (1983).

Тип: “Habitat in Bohemia, Hispania, Syria, Cappadocia” LINN- HL160-1 (Herb Linn).

= *Elaeagnus orientalis* L., Mant. Pl. 1: 41 (1767); Фл. СССР, Горшкова 15: 524 (1949); Фл. Ўзбекистана, Сумневич 4: 229 (1959); Опр. раст. Ср. Аз. Виноградова, 7: 144 (1983).

Тип: “Habitat in ?” LINN 160.2 (Herb Linn).

= *Elaeagnus spinosa* L., Cent. Pl. 2: 9 (1756).

Тип: Египтан терилган гер. асосида тавсифланган (LINN 160.3 (Herb Linn)).

= *Elaeagnus oxycarpa* Schltdl. in Linnaea 30: 344 (1860); Опр. раст. Ср. Аз. Виноградова, 7: 145 (1983).

Тип: In locis subsalsis Songoriae ad fluv. Lepsa et Ajagus, n.1939, 1841, Karelin, Kiriloff (B, изотип LE)

= *Elaeagnus turcomanica* Kozlowsk., Бот. Матер. Герб. Бот. инст. Комарова Акад. наук СССР. 16: 258 (1954); Опр. раст. Ср. Аз. Виноградова, 7: 145 (1983).

Тип: Амударёнинг чап қирғоғи, Денов; лесхоз, 10.09.1951, п. 123/124, Н. Козловская (голотип LE).

Фенологияси. Гуллаши V—VI, меваларнинг етилиши VI—IX.

Экологияси. Дарё қирғоқлари атрофида, тўқайзорларда, текисликлардан тортиб то ўрта тоғ тизмасигача д.с. 300-1600 м баландликда тарқалган.

Ареали. Европа, Ўртаер денгизи Кичик Осиё, Кавказ, Сибир, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Мўғилистон, Япония, Хитой, Ўрта Осиё, Туркменистон, Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон.

2. *Elaeagnus songarica* (Bernh. ex Schlecht.) Schltr. — жунғор жийдаси

in Linnaea 30: 340 (1859); Опр. раст. Ср. Аз. Виноградова, 7: 145 (1983).

Тип: “Ad ripas lapidosas fluvii Sarawschan superioris orientem versus ab urbe Samarcand. A. Lehmann reliq. Bot Bunge p. 489 (Н. Козловская томонидан Р, лектотип тавсиф этилган: 45 (1958)).

Фенологияси. Гуллаши. VI; меваларнинг етилиши. X.

Экологияси. Дарё қирғоқлари атрофида, тўқайзорларда, текисликлардан тортиб то адир минтақасигача д.с. 300-1000 м баландликда тарқалган.

Ареали. Ўрта Осиё (Помир-Олай (Зарафшон тоғ тизмаси. Зарафшон ва Сурхоб дарёлари): Тожикистон, Ўзбекистон (биринчи бор қайд этилмоқда).

2. Туркум: *Hippophae* L. — Чаканда

Sp. Pl. 2: 1023 (1753).

Тип: *Hippophae rhamnoides* L.

1. *Hippophae rhamnoides* L.— Жумрутнамо чаканда, чаканда

Sp. Pl. 2: 1023 (1753); Фл. СССР Горшкова 15: 516 (1949); Фл. Узбекистана Сумневич, 4: 229 (1959); Опр. раст. Ср. Аз. Виноградова, 7: 143 (1983).

Тип: “Habitat in Europa maritimis arenosis” LINN 1168.1 (Herb Linn).

= *Hippophae turkestanica* (Rousi) Tzvelev, Бот. Журн. (Москва-Ленинград) 87(11): 85 (2002).

Тип: Растения Семиречья, Талды-Курганский у., окр. Талды-Кургана, у арыков, 09.08.1928, п. 1370, Н. Шипчинский (S, изотип LE).

Фенологияси. Гуллаши. IV—V, меваларнинг етилиши. VIII—IX.

Экологияси. Дарё қирғоқлари атрофида, тўқайзорларда, тош-шағалли жойларда, адир ва юқори тоғ қияликларидаги сойлар атрофида д.с. 300-2500м баландликда тарқалган.

Ареали. Европа, Скандинавия, Кавказ, Сибир, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Мўғилистон, Хитой, Ўрта Осиё, Туркменистон, Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон.

Диссертациянинг «*Elaeagnaceae* Juss. оиласи турларининг морфологияси, анатомияси ва цитологияси» деб номланган учинчи бобида жийда ва чаканданинг вегетатив ва генератив органларининг морфологияси, анатомияси ва кариологиясига оид комплекс тадқиқот натижаларининг таҳлили баён этилган.

Биринчи бўлим *Elaeagnus* туркуми турларининг морфологияси ва ўзгарувчанлигига қаратилган. Тадқиқотлар Сирдарёда, Зарафшонда,


Қашқадарёда, Сурхондарёда ва Амударёда тарқалган жийда ва чакандалар популяцияси устида амалга оширилди.

Жийда туркуми турлари хилма-хил шароитларда ўсишини эътиборга олган ҳолда экологик амплитудаси ва адабтивлик хусусиятлари кенглигини ҳамда уларнинг пластик хусусиятини намоён этади.

Дастлаб, жийда тупларини тавсифлашда энг аввало гулларига эътибор бердик. Чунки, гул тузилиши энг асосий таксономик белги ҳисобланади. Гул шаклининг кўриниши жуда ўзгарувчан. Жийда гулининг узунлиги ўртача 7,7-9,4 мм, кенлиги 4,0-4,4 мм бўлади. Гулларнинг ўзгарувчанлик даражаси жуда паст ($C_v=1,0-2,8\%$). Лекин, ўрганилган белги бўйича ўртасидаги фарқ тажриба майдонлари учун муқаррардир ($t>3$).

Жийда гулқўрғонининг шакли хилма-хиллиги аниқланди: карнайчасимон, воронкасимон, қўнғироқсимон, бокалсимон бўлиши мумкин (1-расм).

Энг йирик гуллар Сурхондарё ва Амударёда аниқланди. Қашқадарё популяцияларида гулларнинг майдалиги билан характерланди.



1-расм. *Elaeagnus* туркумида гулқўрғони ва гул гардишининг шакллари:

I – ингичка карнайчасимон, гардиши узунчоқ ; II – кенг бокалсимон, гардиши ноксимон; III – қўнғироқсимон, гардиши конуссимон; IV – карнайчасимон, гардиши пиёзчасимон; V – воронкасимон, гардиши ноксимон; VI – қўнғироқсимон, гардиши бутилкасимон; VII – бокалсимон, гардиши конуссимон; VIII – майда қўнғироқсимон, гардиши пиёзчасимон.

Тур систематикасини аниқлашда Н.В. Козловская (1958) жийданинг барги ва мевасига нисбатан гул гардишига (*discalis*) ва унинг шаклига кўпроқ эътибор берилишини қайд этган. Лекин, олиб борилган тадқиқотлар бу белгининг ўзгарувчан эканлиги нафақат бизлар балки бошқа олимлар (Цвелёв, 2002) ҳам аниқлашган. Гул гардишига қараб узунчоқ, ноксимон, конуссимон, пиёзчасимон, бутилкасимон хилларини аниқладик.

Жийда меваларининг ҳам ўзгарувчанлиги кузатилди. Изланишлар натижасида жийдада тўрт хил кўринишга (ясси-юмалоқ, юмалоқ, овалсимон, цилиндрсимон) эга бўлган мевалар аниқланди. Сурхондарё популяцияларда йирик мевали тупларнинг кўплиги билан ажралиб турди. Тажриба майдонида жийданинг кўпинча юмалоқ ва овалсимон шаклдаги мевалари учрайди. Улар жами ўрганилган популяциянинг 33,0-41% ни ташкил этди.

Ясси-юмалоқ мевалар барча тажриба майдончаларида энг кам тарқалган

(9,0%). Улар фақат Зарафшонда кўп (25%), бошқа популяцияларда (Қашқадарё, Сурхондарё, Амударё) кам (5-10%) ёки умуман учрамайди (Сирдарёда). Цилиндрсимон мевалар Сурхондарё ва Зарафшонда кўп (25-30%). Жами ўрганилган тажриба майдончаларида 17% .

Мева ўлчамига кўра жийдалар бир хил тарқалмаган. Энг йирик мевалар Сурхондарё жийдалари учун хос. Меванинг узунлиги 15,2 мм, кенглиги 14,4 мм. Майда мевалар эса Сирдарё ва Амударёда аниқланди. Ўртача меванинг узунлиги 11,4-12,4 мм, кенглиги 10,2-10,3 мм.

Юқорида кўриб ўтилган натижалар шундан далолат берадики, жийда меваларининг катта-кичиклиги (ўлчами) бутун популяцияларда ўзгарувчан. Вариация коэффицент даражаси паст ($C_v=3,6-11,1\%$). Лекин, ўрганилган белги бўйича ўртасидаги фарқ тажриба майдонлари учун муқаррардир ($t>3$). Фақат, Зарафшон ва Амударё мевалари ўртасидаги фарқ кам ($t=0,03-0,04$).

Мева рангига қараб қуйидагича тусланишга эга: оч қизғиш-қўнғир, қизғиш-қўнғир, тўқ сарик, тўқ қизил, каштан ранг, тўқ каштан ранг. Зарафшон ва Сурхондарёда тўқ қизил мевалар кўплаб учрайди (30-35%). Қизғиш-қўнғир рангли мевалар эса энг кўп Сирдарёда, 45,0% ни ташкил этди. Каштан ва тўқ каштан рангли мевалар Қашқадарёда кўплаб учраши (15-30%) ва Сирдарёда умуман йўқлиги аниқланди. Тўқ сарик мевалар Амударёда (45%) энг кўп тарқалган. Оч қизғиш-қўнғир мевалар барча популяцияларда кам, Амударёда умуман учрамаслиги маълум бўлди. Ўрганилган популяцияларда тўқ сарик ва тўқ қизил рангли мевалар кенг тарқалган. Улар популяцияларнинг 48% ни ташкил этди.

100 дона меванинг ўртача оғирлиги ҳамда уларнинг тажриба майдонларида вазнига қараб тарқалиши ҳам ҳар хил (40,3-92,6 г). Мевалар ичида Сурхондарёда терилган жийда мевалари юқори кўрсаткичларни намоён этди (92,6 г). Энг вазни енгил мевалар (40,3 г) Қашқадарё популяцияларига хос. Бу белги бўйича ўзгарувчанлик даражаси Сурхондарё ва Амударё популяциялари учун паст ($C_v=12,5-14,2$). Қолган популяцияларда юқори ўзгарувчанлик даражасига эга ($C_v>20$).

Мева банди жийдаларда калта ва уларнинг фарқи аниқ кўзга ташланмайди (2,7-4,6 мм). Ўзгарувчанлик даражаси ҳам паст ($C_v=4,7-9,3\%$). Энг узун бандли мевалар (4,6 мм.) Сурхондарёдан ва калта бандли мевалар (2,7 мм) Зарафшонда аниқланди.

Умумий ўрганилган популяцияларда ўсимлик шингилидаги ўртача мевалар сони 11,6-20,5 дона. Бу белги бўйича ўзгарувчанлик даражаси ўртача ($C_v=20\%$), ва юқори ($C_v=24-30\%$). Популяциялар ўртасидаги фарқ муқаррарлиги ($t>3$) аниқланди.

Белгиларнинг ўзгарувчанлиги нафақат гул ва мевалар учун хос балки унинг данаги учун ҳам тааллуқлидир. Популяцияларда жийда данагининг узунлиги ўртача 8,1-13,2 мм, кенглиги 7,1-9,8 мм ўлчамда фарқланади. Вариациялар коэффиценти паст даражада ($C_v<10$). Лекин, данакнинг вазни бўйича ўзгарувчанлик даражаси юқори ($C_v>20$).

Жийда барглари жуда ўзгарувчан. Битта дарахтда генератив ва вегетатив новдаларда жойлашган барглари бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари

баҳорги ва ёзги барг япроқлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Барглarning узунлиги ва кенглиги бўйича ўзгарувчанлик даражаси паст ($C_v \leq 10$). Лекин, барг бандининг ўзгарувчанлик даражаси юқори ($C_v > 15$).

Бундан ташқари жийда баргларининг тукланиши, трихомаларнинг тузилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тадқиқотлар натижасида уч хил - қалқонсимон, медузасимон, юлдузсимон тузилишдаги туклар (трихомалар) борлиги аниқланди. Булар баргнинг устки ва остки томонида ҳар хил жойланиши мумкин. Баргларда трихомаларнинг жойлашувига қараб ксерофиллашганлик даражасини билиш мумкин.

Иккинчи бўлим тадқиқотлари *Hippophae rhamnoides* ning морфологияси ва ўзгарувчанлигига бағишланган. Жумрутсимон чаканда меваларнинг шакли, катта-кичиклиги, ҳажми, ранги, вазни ва новдаларда жойлашишига қараб турлича бўлиши маълум бўлди. Меваларнинг рангига қараб оқиш-сарик, сарик, тўқ сарик, ва сарик-қизғиш туслилари аниқланди. Мева банди ва барг бандининг узунлигига қараб ўзгарувчанлик жуда паст ($C_v = 6,1-10,0\%$). Битта генератив новдаларда жойлашган меваларнинг сонига қараб ўзгарувчанлик жуда юқори ($C_v = 25,8-43,1$) бўлиши маълум бўлди.

Олинган морфометрик ўлчамлар чаканда меваларининг бир хил эмаслигини ҳам маълум қилди. Меванинг узунлиги бўйича вариация – 7,7-8,8 мм, кенглиги 5,3-6,5 мм. Вариациялар коэффиценти паст ($C_v = 8,5-14,4$). Популяциялар ўртасидаги фарқ муқаррар эмас ($t = 0,7-2,8$).

Ўзбекистон ҳудудида чакандаларнинг мева шаклига қараб учраши ҳар хил. Республикамиз ҳудудларида энг кўп овалсимон (27,4%) ва цилиндрсимон (37,6%) мева шакли учрайди.

Популяциялар ичида Сирдарёда 74,9%, Сурхондарёда 50,1%, цилиндрсимон мевалар учрайди. Бу шаклдаги мевалар Зарафшон ва Қашқадарёда 25,4% ташкил этди. Урчуқсимон ва юмалоқ мевалар барча популяцияларда 10-25% учраши аниқланди. Қашқадарёда урчуқсимон мевалар умуман аниқланмади. Мева бандининг узунлиги ўртасидаги фарқлар сезиларли даражада эмас. Энг узун мева бандли ўсимликлар Қашқадарёда (5,20 мм) ва калта мева бандли ўсимликлар (4,01 мм) Зарафшонда аниқланди. Ўзгарувчанлик даражаси паст ($C_v \leq 10$). Тажриба майдонлари ўртасидаги фарқ ҳам юқори эмас ($t = 1,63 > 3$).

Мевалар рангига қараб оч сарик, сарик, тўқсарик, оч қизғиш-сарик ва қизил сарик бўлиши аниқланди. Барча популяцияларда тўқсарик (29,3%) ва оч қизғиш-сарик (41,05%) рангли мевалар энг кўп тарқалган. Бу хилдаги тусланиш Зарафшон, Сурхондарё, Сирдарё популяцияларида 40-50% ташкил этди. Оч сарик ва қизил сарик мевалар ўрганилган тажриба майдонларида энг кам учрайди (5,0-6,1%). Оч сарик мевалар Сурхондарёда, қизил сарик мевалар Қашқадарёда учрамаслиги аниқланди. Чаканданинг битта генератив куртагидан 3,7-7,15 тагача мева етилиши мумкин. Куртақдан энг кўп етиладиган мевалар Сурхондарёда аниқланди (7,15 дона). Ўзгарувчанлик даражаси бу белги бўйича юқори ($C_v \geq 20$) ва жуда юқори ($C_v \geq 40$). Тажриба майдонларидаги умумий фарқ бир-биридан муқаррар ($t \geq 3$). 100 дона меванинг вазни бўйича ўлчов натижалари ҳам популяцияларда ҳар хил

кўрсаткични намоён этди. Вазни оғир мевалар (15,4 г) Сурхондарё чакандаларида ва вазни паст мевалар (8,4 г) Сирдарё чакандаларида аниқланди. Ўзгарувчанлик даражаси ўртача ($C_v=11,9-14,7$). Лекин популяциялар ўртасидаги фарқ муқаррар ($t=>3$). Чаканданинг ўта полиморфли бўлиши унинг икки уйли эканлиги деб биламиз. Чунки, икки уйли ўсимликларда генлар алмашинуви тез-тез учрайди. Бундан ташқари тупроқ ва муҳитнинг хилма-хиллиги унинг ўзгарувчан полиморфли бўлишини тақозо этади.

Учинчи бўлим жийда ва чаканда баргларининг анатомияси таҳлилига қаратилган. Жийда барг япроғининг анатомияси дорзовентрал типда эканлигини кўрсатди. Баргнинг устки қисми кутикула қавати билан қопланган. Унинг остида эпидермис хужайралари жойлашган. Эпидермиснинг юқори қисми 18-24 мкм бўлиб, чўзинчоқ шаклда, бир қаторли хужайралар тўпламидан иборат. Барча жийда намуналарида баргнинг устки ва остки қисми трихомалар билан қопланган ($1\text{мм}^2 - 35-50$ та). Барг оғизчалари икки хил: амфистоматик ва гипостоматик.

Барг оғизчалари аномоцит типда бўлиб, юқори эпидермисда 1мм^2 10-35 та трақоқ жойлашган. Остки эпидермис 14-20 мкм. бўлиб, барг оғизчаларининг (1мм^2 52-75 та) ва трихомаларнинг кўплиги (1мм^2 50-75 та) билан фарқланади.

Устунсимон паренхиматик хужайраларнинг шакли юмалоқ, тенг қиррали, икки-уч қатор бўлиб жойлашган. Устунсимон паренхиматик хужайраларнинг қалинлиги 76-80 мкм. Хужайралар бир-бирига зич жойлашган ва бир-бирига зич ёпишиб туради. Ғовак паренхима хужайраларнинг қалинлиги 130-135 мкм.

Чаканда барглари ҳам дорзовентрал. Кутикула қавати юпқа. Эпидермиси овалсимон хужайралардан иборат, қалқонсимон ва медузасимон трихомалар билан қопланган ($1\text{мм}^2 - 26-38$ та). Барг мезофили 5-6 қаторли. Устунсимон паренхиматик хужайралар 2 қатор бўлиб жойлашган. Барг оғизчалари аномоцит типда бўлиб, баргнинг устки ва орқа томонларида жойлашган ($1\text{мм}^2 - 28-52$ та).

Тўртинчи бўлим жийда ва чаканда цитологиясига оид тадқиқотлар натижасига бағишланган. Тажрибадаги жийда намуналарда хромосомалар сонидagi фарқ аниқланмади. Чанг хужайраларидаги хромосомалар конъюгациясининг (метафаза II да) маълум тартибдалиги, улар жуда майда, 14 та бивалент хромосомалардан ташкил топганлиги аниқланди. Ўрганилган барча жийда намуналарида хромосомаларнинг диплоид тўплами 28 ($2n=28$) га тенг экан.

Метафаза I да жийданинг айрим чанг хужайраларида (0,29) бивалент хромосомалардан ташқари тўртта хромосомали квадριвалент учраши ҳам аниқланди. Бу ҳолат гетерозиготали ҳолатда хромосомалар ўртасида транслокация (хромосомалар ўртасида ўрин алмашиш) жараёни асосида юз берган. Квадριвалент хромосомалар транслокация сегментларнинг ҳажмини ҳам белгилайди. Бу жараёнда хромосомаларнинг ўртача ҳажмдаги участкаларида алмашиниш юз берган. *E. angustifolia* квадριвалент

хромосомаларнинг формаси очик ҳалқа шаклида ёки икки занжир шаклида бир-бирига туташган транслокация комплексдан иборат. Жийда хромосомаларининг жуда майда бўлганлигидан балки буларда бошқача квадريفалентлар шакли (зиг-заг ва саккизлик кўринишида) аниқланмади. Транслокация жараёни олимларнинг фикрича ўсимликларда полиморфлиликни ёки дигенерация жараёнини келтириб чиқаради.

Цитологик тадқиқотлар таҳлили натижасида барча ўрганилган жийда намуналарида Мейознинг биринчи боскичида хромосомаларнинг гаплоид тўплами 14 ($n=14$), ва диплоид тўплами 28 ($2n=28$) га тенг экан.

Чакандалар популяциялари ўртасидаги олиб борилган цитологик тадқиқотлар ҳам бир хиллигини намоён этди. Цитологик тадқиқотлар асосида ўрганилган барча чаканда намуналарида хромосомаларнинг гаплоид тўплами 12 ($n=12$), ва диплоид тўплами 24 ($2n=24$) га тенг экан.

Диссертациянинг «*Elaeagnaceae* Juss. oilasi turkumi turklarining biologiyasi va moslashuvchanlik evolyutsiyasi» деб номланган тўртинчи бобида жийда ва чаканданинг биологик хусусиятлари, онтогенези ва мослашувчанлик эволюциясига оид назарий тадқиқот таҳлиллари ёритилган.

Биринчи бўлим жийда уруғларининг униши биологиясига қаратилган. Жийда данаги униб чиқиши учун кўпгина мевали дарахтларга хос бўлган тиним даврини ўташи керак.

Тадқиқотлар якуни шуни кўрсатдики, жийда данакларини униб чиқиши учун қора кумли тупроқда, 0-5 °C ҳароратда ва 60-70% намликда 100 ва 130 кун стратификация қилиниши данакларининг самарали униб чиқиш мумкинлиги аниқланди ва унувчанлик 65-85% ни ташкил этди.

Уруғнинг униб чиқиши тезлигига данакнинг қанчалик тўсқинлик қилишини билиш мақсадида скарификация ўтказдик ва бунинг натижасида 56-73% униб чиқди. Демак, уруғнинг тез униб чиқишига данакнинг нақадар таъсири катта эканлиги аниқланди.

Данакларнинг лаборатория шароитида паст ҳароратда (10-15 °C) 30-40 кунга келиб униб чиқиши бошланди ва жами 4-12 % ташкил этди, лекин 20°-30 °C ҳарорат жийда данаклари униши учун энг оптимал эканлиги маълум бўлди. Бу жараёнда данакларнинг унувчанлик миқдори 52-72% ни ташкил этди ва данакларнинг униб чиқиши 10-15 кун олдин бошланди.

Жийда (*E. angustifolia* u *E. songarica*) данакларини икки хил муддатда қора кумли тупроқда 5,5-6,5 см, маданий жийдалар учун 7,5-8,5 см чуқурликда экиш ижобий натижа беради ва унувчанлик 60% ташкил этади. Жийда данакларини қишда ва баҳорда экиш мумкин. Лекин, стратификация қилинган данакларнинг баҳорда экилиши юқори унувчанликни намоён этади.

Иккинчи бўлим *Elaeagnus angustifoli* нинг онтогенезига бағишланган. Жийданинг ҳаётий циклини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин.

Латент даври. Жийда индивидуал тараққиётининг латент даври 7-10 ой, муртакнинг шаклланишидан то меванинг ривожланиши ҳамда тўлиқ пишиб етилиши 120 кундан то 150 кунгача давом этади.

Виргинил даври. Виргинил давр жийда тупларида 4-5 йил давом этади. Ўсимлик даврининг бу мобайнида қуйидаги ривожланиш босқичларини

(ҳолатларини) фарқлаш мумкин: майса, ювенил, имматур, ёш вегетатив ниҳол, вояга етган вегетатив ўсимлик.

Генератив даври. Бу даври онтогенезининг 5-6 йилида бошланиб, 50 йил давом этади. Новдаларнинг икки хил симподиал (акросимподиал ва мезосимподиал) шохланиши аниқланди. Жийда ниҳолларининг виргинил давридан то генератив давригача бўлган оралиқ вақтдаги ўртача t йиғиндиси 10493,9-11640,0 °C ни ташкил этди.

Сенил даври (постгенератив даври). Бу даври онтогенезининг 41-60 йилларида бошланади.

Учинчи бўлим *Elaeagnus angustifolia* нинг фенологиясига қаратилган. Жийда вегетацияси Ўзбекистон ва унга яқин ҳудудларда феврал ойининг биринчи декадасида бошланади. Жийда гуллари бошқа дарахт ва буталардан фарқ қилган ҳолда бўлғуси новдаларнинг негизида, аралаш куртакда шаклланади.

Жийданинг қийғос гуллаши кунлик ҳарорат 22° дан 30° C гача кўтарилганда ва ҳавонинг нисбий намлиги 50,5-64,3% га етганда яхши борди. Гуллаш давомийлиги саккиз-ўн ва баъзан ўн икки кунгача давом этади. Ғунчаларнинг ҳосил бўлиши, гуллаши ва меваларнинг етилиши новдада кетма-кет (акропетал) бўлиб ҳисобланади. Гулларнинг шаклланишидан то тўлиқ қийғос гуллашигача бўлган даври 260-320 кун.

Жийда гуллари энтомофил. Жийда мевалари сентябрнинг охири ва октябрнинг бошларида тўлиқ пишади. Меванинг ривожланиши 120 кундан то 150 кунгача давом этди. Жийданинг вегетация бошланишидан то мева пишгунча бўлган даври 210-230 кун.

Тўртинчи бўлим *Hippophae rhamnoides* нинг фенологиясига бағишланган. Чаканда вегетацияси феврал ойининг биринчи-иккинчи декадаларида бошланади. Гулларнинг шаклланишидан то тўлиқ қийғос гуллашигача бўлган даври 280-330 кун давом этади.

Чакандаларнинг гуллаш жараёни республикамиз ҳудудларида бир вақтда юз бермайди. Денгиз сатҳидан 500-800 м.б., март ойининг охири ва апрелнинг бошларида, 1000-2000 м.б., апрел охири майнинг бошларида 2000 м.б., зиёд баландликда май ойларида гуллайди.

Гул куртаклар қисқа ва узун генератив новдаларда шаклланади. Чакандаларнинг гулкуртаклари махсус қобиклар билан ўралган. Чангчили тупларда бундай куртаклар 6-8 қобикли, уруғчи куртакларда 12-16 қобикли бўлиши аниқланди. Гуллаш жараёни бир хил эмас. Чангчили туплар 3-5 кун олдин гуллайди. Гуллаши март ойининг охири апрелнинг бошларида юз беради. Қийғос гуллаши кунлик ҳарорат 20° дан 25°C гача кўтарилганда ва ҳавонинг нисбий намлиги 65-70% га етганда яхши давом этиши аниқланди. Чангчили ўсимлик тупларининг гуллаш давомийлиги 6-8 кун, уруғчили ўсимлик туплари 4-6 кун гуллайди. Чаканда гуллари анемофил. Гул ва мевалар акропетал ривожланади. Мевалари сентябрнинг бошларида ва октябрда тўлиқ пишади. Меванинг ривожланиши 150 кундан то 170 кунгача давом этди. Чаканданинг вегетация бошланишидан то мева пишгунича бўлган даври 220-240 кун.

Бешинчи бўлим *Elaeagnus angustifolia* ва *Hippophae rhamnoides* нинг ҳаётий формаларига қаратилган. И.Г. Серебряков (1962) классификациясига кўра жийда ва чакандани икки типга киргиздик: 1- саванна ёки дашт ўрмон типдаги дарахт хилига; 2-илдиз бачкили, вегетатив кўпайиш хусусиятига эга бўлган аэроксил бута хилига.

Ўзбекистоннинг ҳар қайси шароитида жийда ва чакандаларнинг ўсишида ва уларнинг онтогенези босқичининг охиригача асосий бирламчи поя ажралиб туради ва фарқланади. Бу хусусият билан буталардан кескин фарқланиш хусусиятига эга.

Унумдор, нам тупроқли жойларда уларнинг ҳаётий шакли дашт ўрмон типдаги дарахт хилига (8-9 м катталиқда), унумсиз, механик таркиби жиҳатидан қаттиқ, зич ва қуруқ тупроқда аэроксил бута (2-2,5 м катталиқда) шаклида бўлиши аниқланди. Чўл минтақасида аэроксил бута шаклли жийда ва чакандалар дарахт типига нисбатан кўп учраши аниқланди.

Жийда ва чаканданинг ҳаётий шаклининг ҳосил бўлишида ўсимликнинг икки хил шохланиши кузатилди: биринчиси акросимподиал (гемисимподиал); иккинчиси мезосимподиал. Саванна ёки дашт ўрмон типдаги дарахт хили акросимподиал типда шохланган. Илдиз бачкили, вегетатив кўпайиш хусусиятига эга бўлган аэроксил бута хилидаги жийда ва чакандаларда эса новдаларнинг мезосимподиал шохланиш хили кузатилди.

Олтинчи бўлим тадқиқотлари *Elaeagnus angustifolia* ва *Hippophae rhamnoides* ларнинг мослашувчанлик эволюцияси ва индивидуал тараққиётидаги филогенетик маълумотларга бағишланган. Ўсимликларнинг тарихий ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар уларнинг индивидуал тараққиётининг айрим лавҳаларида акс этирилган. Айнан, ўсимлик онтогенезнинг бошланғич даврларида қадимги белги ва хусусиятларни билиш мумкин.

Жийданинг биринчи барглари оддий (узунчоқ-тухумсимон шаклида), жойлашишига қараб қарама-қарши лекин, учинчи ҳамда қолган кейинги барглари кетма-кет жойлашган (барг шакли кенг ланцетсимон). Чакандаларда 1 ва 5 барглари қарама-қарши жойлашган (барг шакли ланцетсимон). кейинги барглари кетма-кет жойлашган (барг шакли ингичка ланцетсимон). Барглари қарама-қарши жойлашуви қадимги жийдадошлар оиласи учун хос бўлган ва ҳозирги вақтда ҳам бу оиланинг примитив турларида *Shepherdia canadensis* ва *Hippophae sinensis* учратиш мумкин.

Ювенил босқичида барглари қадимги мезоморф белгиларини сақлаб қолган ва шунга кўра улар мезофил хусусиятларини намоён этган. Масалан, барглари дорзовентрал бўлиши, барг этининг қалин бўлиши ва кейинги ривожланишида барг япроғининг ингичкалашуви, этдорлигининг пасайишига олиб келган.

Барг томирланишида (ювенил босқичида) ретенция ходисасини кузатиш мумкин. Асосий марказий барг томирининг ва барг бандининг кучли ривожланганлиги тропик-субтропик доимий яшил ўсимликларга ҳослигини намоён этади.

Elaeagnus турларида новдаларнинг икки хил мавсумий ўсишини кузатиш

мумкин. Бу оила вакиллариининг куртаклари бошқа оилаларникига нисбатан фарқ қилади, яъни буларда махсус ташқи қобиғи бўлмайди. Куртаклар ташқи томонидан қалқонсимон қипиқчалар билан қопланган. Бу уларнинг субтропик иқлимга хос ўсимликлар эканлигидан далолат беради.

Elaeagnaceae оиласига мансуб палеоботаник маълумотлар, ареали ва экологиясининг кенглиги бу оиланинг қадимийлиги тўғрисида далолат беради ва дастлабки қазилмалар асосида айтиш мумкинки балким Ер юзида дастлабки жийдалар Палеогеннинг бошларида ўсганлигини кўрсатмоқда.

Жийда ва чаканда турларининг ва формаларининг шаклланиши улар эволюцияси жараёнида хилма-хил экологик шароитларга мослашиши асосида пайдо булган. Жийдаларнинг паст бўйлиги, вегетатив ва генератив органларнинг кумушсимон туклар билан қопланганлиги, сертиканлиги, ингичка барглилиги ва бошқа хусусиятлар намликнинг етишмовчилиги ва юқори хароратга табиий мослашиши асосида келиб чиққан.

Жийдадошлар оиласи учун барг ва новдаларнинг тукланиши қадимги белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни маълум қилдики трихомаларнинг ичида юлдузсимони прогрессив характерга эга (2-расм). Бу трихомалар баргларда зич жойлашиб бахмалсимон тукланишни ҳосил қилади ва куёшнинг тик нурларини яхши қайтаради ҳамда баргни иссиқликдан сақлайди.



2-расм. Трихомаларнинг ривожланиши ва йўналиши

Жийда ва чакандалар экологик эволюция жараёнида тропикдан янги шароитга ўтгандан кейин етти хил морфо-экологик ёки адаптив белги хусусиятларни ҳосил қилган. Улардан биринчиси, сертикан бўлиши, иккинчиси, барг поя ва бошқа органларнинг трихомалар билан зич қопланиши, трихомаларнинг янги медузасимон хилининг шаклланиши (2-расм.), учинчидан, барг пластинкасининг ўта кичиклашуви (ингичка баргли бўлиши), тўртинчидан, куртакни химоя қилувчи махсус қобикнинг шаклланиши, бешинчидан, моноциклик, дициклик, полициклик новдаларининг шаклланиши, олтинчидан, гипостомат барг оғизчаларининг шаклланиши ва еттинчидан, гулда диск шаклидаги нектардоннинг шаклланишидир.

Жийда ва чакандалар ҳаётида ўзига хос адаптив экофизиологик ўзгариш ҳам содир бўлган. Дастлабкиси бу ўсимликларнинг қишки уйқуга кетиши, иккинчиси транспирация жараёнининг пасайиши, илдиз осмотик босимининг

